«МАХМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ ВА УНИНГ АСАРЛАРИ»

Гафурова Шахноза, Уткирова Латофат*
Ориентал университети талабаси
*Илмий рахбар: Ориентал Университети Тиллар 1 кафедраси укитувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.20199045

Аннотация: *Ушбу илмий мақолада XI–XII асрларда яшаб ижод қилган буюк муфассир, луғатшунос ва балоғат илми намояндаси Махмуд аз-Замахшарийнинг илмий мероси атрофлича таҳлил қилинади. Алломанинг ҳаёти, илмий сафарлари, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсири ҳамда унинг тафсир, наҳв, сарф, луғат ва адабиёт соҳаларидаги хизматлари ёритиб берилади. Тадқиқотда Замахшарий асарларининг кейинги давр араб тилшунослиги ва тафсир мактабларига таъсири, уларнинг Шарқ ва Ғарб илм-фанидаги ўрни ҳам илмий манбалар асосида асослаб берилади. Муаллифнинг муътазила ақидасига мансублиги унинг тафсир услубида қандай намоён бўлгани ҳам алоҳида кўриб чиқилади. Мақола натижасида Махмуд аз-Замахшарийнинг нафақат Хоразм, балки бутун ислом цивилизацияси илмий меросидаги ўрни ва аҳамияти аниқ далиллар билан ёритилади.*

Калит сузлар: *Маҳмуд аз-Замахшарий, Қуръон тафсири, Ал-Кашшоф, Ал-Муфассал, Асос ал-Балоға, Араб тили грамматикаси, Араб балоғати, Луғатшунослик.*

Abstract: *This scholarly article examines the scientific legacy of Mahmud az-Zamakhshari, the prominent 11th–12th century exegete, linguist, and scholar of Arabic rhetoric. The study explores his life, academic journeys, and the socio-political environment that influenced his intellectual development, as well as his contributions to Qur’anic exegesis, Arabic grammar (naḥw and ṣarf), lexicography, and literature. The research further discusses the influence of Zamakhshari’s works on later schools of Arabic linguistics and Qur’anic interpretation in both the Islamic East and West. Particular consideration is given to how his Muʿtazilite theological orientation is reflected in his exegetical methodology. The article concludes by demonstrating, through academic sources, that Mahmud az-Zamakhshari occupies a distinguished position not only in the intellectual history of Khwarazm but also in the broader heritage of Islamic civilization.*

Key words: *Mahmud az-Zamakhshari, Qur’anic exegesis, Al-Kashshaf, Al-Mufassal, Asas al-Balagha, Arabic grammar, Arabic rhetoric, Lexicography.*

Олимнинг тўлиқ исми Абу ал-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад бўлиб, Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилганлиги учун Замахшарий тахаллусини олган. Шунингдек, Замахшарий кўп асарларини Маккада ёзганлиги сабабли Жоруллоҳ (Аллоҳнинг қўшниси) деган шарафли номга ҳам муяссар бўлган. Маҳмуд Замахшарий Ўрта Осиёлик буюк олим, тафсиршунос, ҳадисшунос, тилшунос, луғатшунос ва адиб бўлган. Маҳмуд Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, география, тафсир, ҳадис ва фиқҳга оид 50 дан ортиқ асар ёзган. Маҳмуд Замахшарий ҳижрий 462-йили ражаб ойининг йигирма еттинчи санасида чоршанба куни (милодий ҳисобда 1075-йилнинг 19-мартида) Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири — Замахшарда таваллуд топган[1].

[1] Жураев О. Мухиддинов А. Махмуд Замахшарий. Тошкент.: Тафаккур Нашриети, 2014. Б. 4.

Аз-Замахшарийнинг хаёти ва фаолияти хакидаги маълумотлар, асосан, урта аср араб манбаларида, кисман олимнинг асарларида келтирилган, бу тарздаги малумотларни Ибн Халликон, Ибн ал-Анбарий, Ёкут ал-Жамавий, Мухаммад ал-Йофиий, Ибн ал-Жавзий, Жалолидлин ас-Суютий, Ибн ал-Кифтий ва бошка араб муаллифларининг асарларида учратамиз.

Аз-Замахшарий хаёти билан танишар эканмиз, унинг илм талабида катор хо-рижий мамлакатларга сафар килганлигини хам курамиз. Дархакикат, у Хуросон, Шом, Ирок, Хижозда булганлиги ёзма манбаларда кайд этилган. Мана шу юртларда булганида аз-Замахшарий уша даврнинг куп машхур олимларидан сабок олди, улар билан илмий, ижодий мунозараларда иштирок килди, самарали хамкорлик ришталарини боглади[2].

“МУФАССАЛ” (ГРАММАТИКА БЎЙИЧА МУФАССАЛ КИТОБ) АСАРИ. Араб тили грамматикасига бағишлаб ёзилган бу асар қисқача “Ал-Муфассал” деб аталиб, Замахшарий Маккада яшаган пайтида (513-515-ҳ.) – 1119-1121-йиллар ичида ёзиб, тугатган.

“Ал-Муфассал” араб тили грамматикаси ва морфологиясини ўрганишда йирик қўлланма сифатида азалдан шарқда ҳам, ғарбда ҳам донғи кетган асарлардан ҳисобланади. Кўпчилик мунаққидлар Замахшарийнинг бу асарини ўз илмий қиммати жиҳатидан таниқли араб тилшуноси Сибавайҳнинг араб тили грамматикасига оид машҳур “Китоб Сибавайҳ”идан кейин иккинчи ўринда туришини таъкидлаганлар. Ўша даврнинг ўзидаёқ бу асар барча халқлар, ҳатто араблар орасида ҳам катта эътибор қозонади ва араб тилини ўрганишда асосий қўлланмалардан бири сифатида омма орасида кенг тарқалади.

“Ал-Муфассал”нинг бир қўлёзма нусхаси Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. Асарнинг немис тилига таржимаси 1873-йилда нашр қилинган. Катта илмий қимматга эга бўлган “Ал-Муфассал” га тилшунос олимлар томонидан кўплаб шарҳлар ёзилган. Немис шарқшуноси К.Броккелманнинг фикрича, “Ал-Муътасал” ёзилган шарҳларнинг сони ўттизга яқин экан. Асарнинг биринчи нашри 1859-йилда Кристианяда Ж.Р.Брош томонидан чоп этилган.

“Ал-Муфассал”нинг кўп сонли шарҳларидан энг машҳури ўрта асрларда яшаган суриялик грамматик олим Муваффақ ад-Дин Абул-Бақо Яйиш ибн Али ибн ал-Ҳалабий томонидан ёзилган шарҳ ҳисобланади. Мазкур шарҳ 1882-йилда Лейпсигда икки жилдда босилган. “Ал-Муфассал”га ёзилган бошқа шарҳлар ичидан имом Фахриддин Муҳаммад ибн Умар ар-Розий, Муҳаммад ибн Саъд ал-Марвазийнинг шарҳи муҳимдир, шунингдек, Садр ал-афозил ал-Хоразмий номи билан машҳур бўлган Абу Муҳаммад Мажд ад-дин ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн “Ал-Муфассал”га учта шарҳ ёзган бўлиб, улардан бири “Ат-Тахмир” деб аталади. Унинг қўлёзма нусхалари Британия музейида ва Дамашқда сақланади; Фахриддин ал-Хоразмийнинг “Ал-Муфассал”га ёзган шарҳидан бир қўлёзма нусхаси Дамашқда, “Аз-Зоҳирия” кутубхонасида сақланмоқда. Замахшарийнинг бу машҳур асари араб мамлакатларида, жумладан, Мисрда бир неча марта нашр қилинганлигини ҳам қайд этиш лозим.

“Ал-Муфассал фи санъат ал-иъраб” номи билан аталган ушбу китобим тўрт қисмдан иборат”, – деб таъкидлайди Замахшарий китобига ёзган муқаддимасида.

“Муқаddимату-л-адаб” (Адаб илмига муқаддима) асари. Замахшарийнинг Хоразмшоҳ Алоуддавла Абдулмузаффар Отсизга бағишлаб ёзган “Муқаddимату-л-адаб” асари алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, Хоразмшоҳлар

[2] Окилов С. Буюк Юрт Алломалари. Тошкент.: Узбекистон, 2020. Б. 142.

салтанат юритган даврда илм-фан, маданият анчагина тараққий қилган эди. Ҳукмдорлар, айниқса, Хоразмшоҳ Отсиз олимлар, шоир ва адибларга ҳурмат ила қараши билан бир қаторда, унинг ўзи ҳам истеъдодли, ғоятда маърифатпарвар, адабиётга қизиққан, билимдон бир ҳоким эди. Унинг даврида илм-фан тараққиёти йўлида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилган эди. Шу сабабдан бўлса керак, За-махшарий ўзининг ажойиб луғат китоби “Муқаddимату-л-адаб”ни унга бағишлаб ёзган. Асар беш қисмдан иборат бўлиб, унда отлар, феъллар, боғловчилар, от ўзгаришлари ва феъл ўзгаришлари ҳақида баҳс юритилган. Асарнинг ёзилган йили маълум бўлмаса-да, манбалардаги далилларни ўрганиш натижасида Замахшарий бу асарини Маккадан қайтгандан кейин, 1137-йили ёзиб тугаллаганлиги аниқланди.

Замахшарий ўзининг бир неча йил давом этган сафарлари чоғида кўпгина араб мамлакатларида бўлди ва шу сафарлари чоғида араб тили, унинг луғатлари ва лаҳжалари хусусида бой маълумот тўплади. Шу боисдан ҳам муаллиф бу асарида ўша даврда араб тилининг истеъмолда бўлган барча сўзлари, ибораларини қамрашга ҳаракат қилган, уларни этимология (сўзнинг келиб чиқиш тарихи) нуқтаи назаридан етарли даражада кенг ва тўла ёритишга интилган. Шу боисдан ҳам, Замахшарийнинг бу йирик асари мазкур хусусиятга эга бўлган дастлабки асарлардан десак, ҳеч бир муболаға бўлмайди. “Муқаddимату-л-адаб” форс тилидан ташқари чиғатой, моғўл ва турк тилларига ҳам таржима қилинган. Манбаларда таъкидланишича, асарнинг чиғатой тилидаги таржимаси Замахшарийнинг ўзи томонидан бажарилганлиги фараз қилинган.

Бу фикрнинг тўғрилигига далиллардан биттаси, асар, аввал айтиб ўтганимиздек, Хоразмшоҳ Отсизга бағишланган ва у тушуниши учун асарнинг арабча матни билан биргаликда чиғатой тилидаги таржимаси ҳам ёзилганлиги шубҳасиздир.

“Муқаddимату-л-адаб” асари яратилган давридан бошлаб бир неча асрлар давомида олимлар, тадқиқотчилар диққатини ўзига тортиб келган. Асар биринчи марта 1706-йили Хўжа Нохоқ Исҳоқ Афанди томонидан усмоний турк тилига таржима қилинган. Сўнгра Европанинг бир қанча тилларига ағдарилган. Париж, Вена, Лейден, Қозон, Миср ва Ҳиндистонда бир неча маротаба нашр қилинган.

Немис олимларидан Ватцастайн “Муқаddимату-л-адаб”нинг Европа қўлёзма фондларидаги еттита қўлёзмасини қиёсий ўрганиб, 1850-йили Лейпсигда асарнинг икки жилдли танқидий матнини нашр эттирди. Шунингдек, Ватцастайн бу мукаммал нашрни фиҳрист билан биргаликда чоп қилганлиги сабабидан мазкур нашр қимматли манбалардан ҳисобланади. Асарнинг чиғатой тилидаги таржимаси ўзбек тили тарихини ўрганувчилар учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда Садриддин Айний “Замахшарийнинг “Муқаddимату-л-адаб” асари ўзбек тили учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробардир”, – деб ёзган эди.

“КИТОБ АЛ-ЖИБОЛ ВА-Л-АМКИНА ВА-Л-МИЙОҲ” (ТОҒЛАР, ЖОЙЛАР ВА СУВЛАР ҲАҚИДА КИТОБ) АСАРИ. Бу асарда жуғрофий жойлар, тоғлар ва денгизларга доир қимматли маълумотлар келтирилган. Замахшарийнинг бу асари ғарб олимлари орасида ҳам машҳур бўлган. 1856-йили арабшунос олим Салверда де Граве томонидан мукаммал тадқиқ қилинган ҳолда нашр этилган. “АСОС АЛ-БАЛОҒАТ” (НОТИҚЛИК АСОСЛАРИ) АСАРИ луғатшуносликка бағишланган бўлиб, унда араб тилининг шаклланиши, ривожланиши, мукаммаллиги ҳақида сўз боради. Фикрни чиройли ибора ва сўзларда ифодалаш, сўз бойлигидан усталик билан фойдаланиш учун киши фасоҳат, балоғат илмларидан яхши хабардор бўлиши керак. Бундан учун сўзни тўғри, ўз ўрнида ишлатиш, қоидага мувофиқ сўзлаш ва ёзиш ҳам керак бўлган. Бу асарда адабийнинг

асосий қисмлари, фразеологик сўз бирикмалари, уларни амалда татбиқ этиш йўллари чуқур таҳлил этилган. “АЛ-ФОИҚ ФИ ҒАРИБ АЛ-ҲАДИС” (ҒАРИБ ҲАДИСЛАР ҲАҚИДА ҚИММАТЛИ КИТОБ) АСАРИ ҳадисда учрайдиган, маъносини англаш қийин бўлган иборалар, сўзларнинг изоҳи ҳақида. “АТВОҚ АЗ-ЗАҲАБ ФИ-Л-МАВОИЗ ВА-Л-ХУТУБ” (ХУТБАЛАР ВА ВАЪЗЛАР БАЁНИДА ОЛТИН ШОДАЛАР) АСАРИ насиҳатомиз мақолалар тўпламидан иборат. “РАБИЪ АЛ-АбРОР ВА НУСУС АЛ-АХЁР” (ЭЗГУЛАР БАҲОРИ ВА ЯХШИЛАР ИЗҲОРИ) АСАРИда адабиёт, тарих ва бошқа фанларга оид ҳикоялар, латифалар ва суҳбатларнинг энг саралари жамланган. 97 бобдан иборат бу асарнинг ноёб бир қўлёзма нусхаси Тошкентда ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Бундан ташқари, Лейден, Берлин кутубхоналарида ҳам асарнинг қўлёзмалари мавжуд. “АЛ-ҚУСТОС ФИ-Л-АРУЗ” (АРУЗДА ЎЛЧОВ) АСАРИ аруз вазни ҳақида. “МАҚОМАТ” (МАҚОМЛАР) АСАРИ 50 мақомдан иборат бўлиб, қофияли наср – сажъ услубининг нозик намуналарини ўзида мужассам этган. “НАВОБИҒ АЛ-КАЛИМ” (НОЗИК ИБОРАЛАР) АСАРИ. Бу асар ҳикматли сўзлардан иборат. “АН-НАСОИХ АС-СИҒОР ВА-Л-БАВОЛИҒ АЛ-КИБОР” (КИЧИКЛАРГА НАСИХАТ ВА УЛУҒЛАР ЕТУКЛИГИ) АСАРИ. “ДЕВОН АЗ-ЗАМАХШАРИЙ” АСАРИ лирик ва фалсафий шеърлар, қасида, фахрия, назмий мактубларни ўз ичига қамраб олади. “АЛ-КАШШОФ” АСАРИ Замахшарий ижодида муҳим ўрин эгаллаб, илм-фан оламида кенг танилган. “АЛ-КАШШОФ” АСАРИ Қуръони Каримга бағишланган машҳур тафсирдир. Бу тафсир Замахшарий Маккада турган пайтида уч йил давомида (1132-1134) ёзилган. Замахшарий бу тафсирини ёзишдан олдин Қуръони Каримга бағишлаб яратилган кўплаб тафсирларни қунт билан ўрганган ва улардан унумли, самарали фойдаланган. Гарчанд бу тафсир муайян даражада муътазилия оқими нуқтайи назаридан ёзилган бўлса-да, лекин илоҳий Китобга бағишланган тафсирлар орасида ўз ўрнига эга бўлиб, айниқса, унда Қуръони Каримнинг филологик нуқтаи назардан таҳлилига катта эътибор берилган. Қимматли манба сифатида “АЛ-КАШШОФ”нинг кўплаб қўлёзма нусхалари дунёнинг турли шаҳарларида мавжудлиги, асарга ёзилган шарҳ ва ҳошияларнинг кўплиги билан ҳам белгиланади. Тошкентда Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси кутубхонасида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида асарнинг турли даврларда кўчирилган ноёб нусхалари сақланмоқда[3].

Тарихчи, сайёҳ Ёқут ал-Ҳамавий “Муъжам ал-удабо” асарида аллома Маҳмуд Замахшарийнинг 50 та асарини номма-ном санаб ўтган.

Араб олими Ал-Хуфи ўзининг “Аз-Замахшарий” номли китобида алломанинг 47 та асарлари тўғрисида маълумотларни тақдим этган.

Германиялик шарқшунос олим Карл Броккельман “Geschichte der arabischen litteratur” номли китобининг биринчи нашрида Замахшарийнинг 21 та, иккинчи нашрида эса 25 та асари ҳақида маълумотларни берган. Профессор Дионисиус Агиус Ал-Арабия журналида “Маҳмуд Замахшарийнинг асарларига оид баъзи қайдлар” номли мақоласида унинг 56 та асарини номларини келтирган.

Истанбулда чоп этилган “Ислом энциклопедиясида”

Замахшарийнинг 54 та асари ҳақида маълумотлар бор. Ҳожи Халифа ўзининг икки жилдли “Кашф аз-зунун ъан асомий ал-кутуб ва ал-фунун” номли библиографик асарида Замахшарийнинг 29 та асарини санаб ўтган

[3] Жураев О. Мухиддинов А. Махмуд Замахшарий. Тошкент.: Тафаккур Нашриети, 2014. Б. 7.

Ироқлик олим Фозил Солиҳ ас-Самарий ўзининг “Ад-дирасату ан-наҳвия ва-л-луғавия индаз-Замахшарий” номли тадқиқотида Замахшарийнинг 56 та асари тўғрисида маълумот берган.

Хорижлик тадқиқотчи, олимлар билан бирга ўзбек олимлари ҳам Маҳмуд Замахшарий илмий меросига оид маълумотларни ўз тадқиқотларида тақдим этишади. Академик А.Рустамов ўзининг “Маҳмуд Замахшарий” номли рисоласида алломанинг 19 та асарини шарҳлаш билан бирга номи маълум, лекин ҳали топилмаган 19 та асари номини ҳам келтирган китобида алломанинг 34 та асарини шарҳлаб ўтади.

Н.Сулаймонова ўзининг монографик тадқиқотида Маҳмуд Замахшарийнинг 70 яқин асарлари номини аниқлаганини ва уларнинг сони янада кўп бўлиши мумкинлигини таъкидлайди

Замахшарий ҳақидаги маълумотда олим асарларининг сони хусусида: “Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, тафсир, ҳадис, фиқҳга оид 50 дан ортиқ асарлар яратган”

Бугунга кунга келиб янги тадқиқотлар ва илмий изланишлар Маҳмуд

Замахшарийнинг 80 дан ортиқ асар ёзганлигини кўрсатмоқда. Бу бўйича O‘zbeksiton 24 телеканали орқали тақдим этилган Маҳмуд Замахшарийга бағишланган кўрсатувда 10 та маълумот келтирилган, мазкур маълумотларнинг тўртинчисида алломаннинг асарлари сони 84 тани ташкил этиши тўғрисида маълумот берилган. Йирик замахшарийшунос олим З.Исломовнинг “Маҳмуд Замахшарий илмий мероси” номли монографиясида, сўнгги тадқиқотлар натижасида Маҳмуд Замахшарийнинг 86 та асар ёзганлигини, таъкидлаган.

Тадқиқотни амалга оширишда қиёсий, тарихийлик ва тавсифий усуллардан фойдаланилди.

Натижалар Маҳмуд Замахшарийнинг яратган асарларини фан соҳаларига ажратиб, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

А) Ислом илмларига оид асарлар, бу гуруҳда алломанинг Қуръон карим тафсири, ҳадис, ислом фиқҳига оид асарлари киради.

Б) Наҳв илмига оид асарлар гуруҳига араб тили грамматикаси, унинг негизи, грамматика соҳасига оид мулоҳазалар ва имло қоидалари каби масалаларга бағишланган асарлар киради.

В) Луғат илмига оид асарлар гуруҳига турли соҳаларга оид сўзлар билан боғлиқ луғатлари киради.

Г) Адабиёт илмига оид асарлар гуруҳига Маҳмуд Замахшарийнинг аксар асарлари киради, адаб илми, шеърият ҳамда ахлоқ илмига оид асарлар, шулар жумласидандир.

Д) Аруз илмига оид асарларига мумтоз шеъриятдаги вазн ҳақидаги асари киради.

Е) Мантиқ ва калом илмига оид асарлар гуруҳига инсон тафаккури билан боғлиқ асари киради.

Ё) Таржимаи ҳолга оид асарлари гуруҳига ислом оламидаги машҳур инсонлар ва бошқа фазилатли инсонлар ҳақида ривоят қилувчи асарлари киради.

Ж) Манбаларда номи келган, аммо мавзуси аниқ бўлмаган асарларига ўрта аср манбаларида номлари зикр қилинган, бироқ ҳали илм аҳлига номаълум, бизнинг замонга қадар етиб келмаган асарлари киради.

Маҳмуд Замахшарий кўп қиррали олим сифатида асарларини ҳам турли мавзуларда ёзган, айрим асарларида турли масалаларни қамраб олган. Шунинг учун ҳам унинг айрим асарларини юқорида саналган гуруҳларнинг ҳар бирига тааллуқли эканлигини таъкидлаш

лозим. Биргина 98 бобдан иборат “Рабиъ ул-аброр” асарини оладиган бўлсак, унда диний масалаларни ҳам, тиббиёт соҳасига оид маълмуотларни ҳам, табиат ва ҳайвонот олами ҳақида ҳам, шунингдек, жамиятдаги турли ижтимоий масалалар ўрин эгаллаган[4].

Хулоса

Ушбу мақолада Маҳмуд аз-Замахшарийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва бой илмий мероси таҳлил қилинди. Олимнинг тафсир, араб тилшунослиги ва адабиёт соҳаларидаги асарлари ислом илм-фани ривожида муҳим ўрин тутиши ёритилди. Шунингдек, унинг асарлари ўз даврида ҳам, кейинги даврларда ҳам илмий манба сифатида катта аҳамиятга эга экани таъкидланди. Бу эса Замахшарийнинг ислом маданияти ва илм тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиетлар:

1. Жураев О. Мухиддинов А. Махмуд Замахшарий. Тошкент.: Тафаккур Нашриети, 2014.
2. Носирова М. Тилшунослик билимлари тарихи. Тошкент.: Навруз Нашриети, 2019
3. Уватов У. Буюк юрт алломалари. Тошкент.: Узбекистон, 2020.
4. Тураев Л. Тураев Ф. “Махмуд Замахшарий асарлари ва уларнинг туркумланиши.” // Oriental journal of philology, 2025, - Б. 269-280

[4] Тураев Л. Тураев Ф. “Махмуд Замахшарий асарлари ва уларнинг туркумланиши.” // Oriental journal of philology, 2025, - Б. 269-280